Ушбу сонда:

2 БОҚИМАНДАЛИК кайфиятидан халос бўлайлик
3 ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ – ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ
4 РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 3 август, сешанба № 124 (1757)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

***31 июл куни Оқсаройда Тошкент шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракатлари бўйича ташкил этилган Ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.***

***Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошқарди.***

Тегишли хизматлар ва идоралар раҳбарлари содир этилган портлашлар билан боғлиқ фактларнинг таҳлили ҳамда уларни текшириш борасида кўрилаётган аниқ чоралар тўғрисида ахборот берди.

Йиғилишда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришга эътибор қаратилди. Террорчилик ҳаракатларининг такрорланмаслиги учун зарур чоралар кўрилгани, пойтахтимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон эканлиги, хавотир учун ҳеч қандай асос йўқлиги қайд қилинди.

Атрофлича ва чуқур текширувни амалга ошириш, террорчилик ҳаракатларининг сабаблари ва ижрочиларини аниқлаш ишларини кучайтириш, хусусан, террорчиларнинг шахси ва уларнинг кимлар билан алоқадорлигини, ортида кимлар турганлигини жиддий текшириш юзасидан қатъий кўрсатмалар берилди.

Президентимиз террорчилик оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирди. Жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун барча чора-тадбирлар кўрилиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

**(ЎзА)**

## БЎЛАЖАК САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

***Қашқадарё вилояти ҳокимлигида шу йилнинг декабр ойида илк бор икки палатали парламентни шакллантириш учун ўтказиладиган сайловларга бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.***

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ҳуқуқ-тартибот идоралари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шаҳар, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, халқ таълими бўлимлари мудирлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев «Ўзбекистонда 2004 йилда эркин демократик сайловлар ўтказишнинг ҳуқуқий асослари», Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси М.Абдусаломов «Парламент сайловларининг конституциявий асослари» мавзуларида маъруза қилди.

Шунингдек, семинарда маҳалланинг сайловда иштироки билан боғлиқ айрим масалалар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари хусусида ҳам сўз юритилди.

Тадбирда иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарилди.

**(ЎзА)**

## УЛАР АМЕРИКАДА ЎҚИШАДИ

***АКСЕЛС халқаро дастури бўйича Ўзбекистонда ўтказилган навбатдаги танловда юздан ортиқ ўқувчи иштирок этди. Тошкентдаги 151-мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан Темур Замонов билан Оля Лилар эса бу жиддий билимлар синовидан муваффақиятли ўтдилар.***

Халқаро танлов ғолиблари сифатида улар яқинда Америкага йўл оладилар. Бир йил муддатда ўқиш жараёнида Америка турмуш тарзи билан яқиндан танишадилар.

Мактабни битирган ёшларнинг кўпчилиги Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига кириб ўқишга муяссар бўлишмоқда. Америкада ўқиб келиш ҳуқуқи берилиши ҳам билим ўчоғи ҳисобланмиш педагогларнинг юзини ёруғ қилди.

**А.АЛИЕВ**

# ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗГА РАҲНА СОЛОЛМАЙДИ

***Юртимизда ёз фаслининг охирги ойи бошланди. Табиат ёғин-сочин мавсумига яқинлашаётганимиздан огоҳлантираётгандек -тунда ёмғир ёғиб, тонгда шунга яраша салқин эпкинлар эсмоқда.***

***Пойтахтимизда ҳаёт ўз маромида давом этмоқда. Шаҳар кўчалари, сўлим хиёбонлар гавжум. Ҳамюртларимиз кундалик турмуш ташвишлари билан машғул. Ким ишга шошган, кимдир ишдан қайтмоқда. Кимдир оила аъзолари билан сайрга чиққан. Яна кимлардир бозор-ўчарга отланган.***



Ёзги таътилни шаҳарда - мўъжаз кўллар бўйида, кумуш фавворалар ёнида, дилкушо боғларда ўтказаётган болажонларнинг шодон қийқириқлари дилларга хушнудлик бахш этади.



Қайноқ ҳаёт оғушидаги фусункор томошагоҳлар, тарихий обидалару қутлуғ қадамжолар, маданият кошоналарию кўркам замонавий иморатлар олдида, одатдагидек, хорижлик меҳмонлар ўз ҳайрат ва ҳаяжонини фотоаппарату видеокамераларга муҳрлайди.

Пойтахтимизда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон. Яқинда бу ерда рўй берган террорчилик ҳаракатлари юртдошларимизнинг некбин ва бунёдкорлик кайфиятига, юртимизнинг бугунги куни ва келажагига бўлган ишончига заррача ҳам соя солгани йўқ. Ғанимларимиз кутгани ё ўйлаганидек, бу воқеалар кишиларимизни ваҳима ва хавотирга туширмади. Аксинча, бахту иқболимизни кўролмайдиган ёвуз кучлар томонидан содир этилган портлашлар юртдошларимизни янада жипслаштирди, янада ҳушёрлик ва сезгирликка ундади. Юракларимизда бир-биримизга нисбатан меҳр-оқибат ошди, ғанимларимизга нафрат кучайди.

Бу, аввало, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солувчи, эл-юртимизга қарши қаратилган бундай фитна ва хатарлар қайта такрорланмаслиги учун тезкорлик билан кўрган қатъий ва зарур чоралари мисолида яққол намоён бўлди.



Буни халқимизнинг жипслиги ва кучли иродаси тимсолида ҳам аниқ ва равшан кўриш мумкин.

Портлашлар оқибатида ҳаётдан кўз юмган ватандошларимиз хонадонларидан уларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этиш, кўнгил сўраш учун келувчиларнинг қадами узилмаётир.

Масъулиятли ва оғир дамларда бир-бирига ҳамдам, далда ва суянч бўлиш халқимизнинг азалий одати. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ўзаро суҳбатларда, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларда юртдошларимиз бўлиб ўтган воқеага ўзларининг қатъий муносабатини билдирмоқдалар. Бундай тажовуз ва террорчилик хуружларининг бошида турганлар халқимизнинг чексиз нафратига лойиқ экани, ҳеч ким ҳеч қачон мустақиллигимизга, озод ва бахтли ҳаётимизга, тинчлик ва осойишталигимизга раҳна сололмаслиги бaралла айтилмоқда.

Бугун замондош ва ватандошларимизнинг фикру зикридаги ягона ва эзгу мақсад-муддао, якдил хоҳиш-ирода шу:

Ушбу қутлуғ заминда яшаётган каттаю-кичик барчамиз бир тану бир жон бўлиб, терроризм ва экстремизм хавфига қарши қатъият билан курашайлик. Огоҳ, ҳушёр ва сезгир бўлайлик. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов даъвати - «Ўз уйингни, ўз юртингни ўзинг асра» деган шиорнинг маъносини кенг ва чуқур англаб, гўзал ва бетакрор Ватанимизнинг тинчлигини, халқимиз осойишталигини кўз қорачиғидек сақлашга ҳар биримиз баб-баравар масъулмиз.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси**
**С.ЎРМОНОВ ва М.АМИН олган суратлар**





*Касаба уюшма фидойилари*

## ҲАМКОРУ МАДАДКОР



Одамлар ўртасида ҳурмат-эҳтиром, эл ичра обрў-эътибор қозониш осон иш эмас. Бу инсондан жонкуярлик, фидойилик, бағрикенглик ва юртпарварликни, қолаверса, фақат ўзи учун эмас, балки ўзгалар учун ҳам яшай олишни талаб этади.

Қибрай туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Зокиржон ака Шораҳмедовни қачон қараманг, соҳа ходимлари ташвиши билан куйиб-пишиб юрган ҳолда учратасиз. Шунинг учун бўлса керак, уни кўпчилик олижаноб инсон сифатида ҳурмат қилади. Етук мутахассис, ташкилотчи, кўпни кўрган инсон сифатида йўл-йўриқ, маслаҳат сўрашади. У ҳам, ўз навбатида, қимматли вақтини, беминнат ёрдамини аямайди.

Дарвоқе, Зокиржон ака ҳақиқатдан ҳам катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, боз устига бой иш тажрибасига эга. Иш фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаган З.Шораҳмедов туман халқ таълими бўлимига назоратчи вазифасига қабул қилингунга қадар бошланғич касаба уюшма ташкилотларида меҳнат қилди, тажриба орттирди. Бир неча йил жамоатчилик асосида тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси муовини бўлиб ишлагач, уни касабақўм етакчиси этиб сайлашди. Ҳа, умр оқар дарё экан. Кўз очиб-юмгунча кунлар изидан ойлар, ойлар изидан йиллар ўтди. Мана шунга ҳам ўн йил бўлибди. Ўтган вақт мобайнида Зокиржон ака қанчадан-қанча устоз-ўқитувчиларга, ишчи-ходимларга кўмак қўлини чўзди: касабақўм етакчиси сифатида моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлади, яхши-ёмон кунларида елкадош бўлди.

— Туман тармоқ касаба уюшма қўмитаси тасарруфида 40 та бошланғич ташкилот бўлиб, у ўз атрофига 5 минг нафардан зиёд аъзони бирлаштирган. Ютуқларимиз самараси, ана шу бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ишига бевосита боғлиқдир, - дейди Зокиржон ака камтаринлик билан. - Негаки, ходимларимизни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини қатъият билан ҳимоя қилиш, қолаверса, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш энг аввало пастки бўғиндан бошланади.

Дарҳақиқат, бошланғич ташкилот — кўп ишга қодир. Тумандаги таълим муассасалари касаба уюшма қўмиталарида иш тўғри йўлга қўйилганлиги, улар фаолиятини янада жонлантириш мақсадида кўплаб саъй-ҳаракатлар амалга оширилганлиги туфайли бундан бир йил олдин тармоқ касабақўми республика кўрик-танловининг ғолиби деб топилди. Шунингдек, қўмита тармоқ ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитасининг таянч ташкилоти сифатида белгиланди. Албатта, ушбу эътирофларда касабақўм етакчисининг катта ҳиссаси бор.

## ЙЎЛЛАР ЧОРРАҲАДА ТУТАШАДИ

***Кўприк қурган кам бўлмас, равон йўлда ғам бўлмас, деган халқимизнинг доно нақли бугунги кунда тўғри эканлиги айнан ҳақиқатга айланмоқда. Айниқса, юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг республикамиз йўлсозларининг амалга ошираётган ишлари кишини қувонтиради.***

Чироқчи туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонасида бу борада амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор.

– Туманимиз ҳудуди вилоятда энг катта ҳисобланади, – дейди корхона раҳбари Юсуф Маҳаммадиев. – Республикамизнинг жанубий вилоятини пойтахт билан боғлайдиган асосий йўл ҳам айнан шу ҳудуд орқали ўтади. Республика аҳамиятига молик 160 километрли, вилоят аҳамиятидаги 92 ҳамда маҳаллий аҳамиятга эга 32 километрли йўлларда автотранспорт воситалари қатновини тўғри ташкил этиш учун йўлсозларимиз бир мунча ишларни амалга оширяптилар.

Корхонада ярим йилда бажарилган ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, албатта қувончли рақамларга дуч келамиз. «Самарқанд-Қарши-Чироқчи» автомобил йўлининг бир қисми ўрта таъмирланди. Шунингдек, «Чироқчи-Пакандиди-Дурсун-Қорателпак» автомобил йўлида таъмирлаш ишлари амалга ошириляпти. Корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси Баҳодир Қулбуловнинг таъкидлашича, меҳнат қилаётган 78 нафар ишчи-хизматчини ижтимоий ҳимоя қилиш, кўнгилдагидек. Жамоа шартномаси бандлари тўлиқ бажариляпти. Хусусан, жамоада ёш мутахассисларни иш билан таъминлаб малакасини ошириб бориш, «Устоз-шогирд» анъаналарига содиқ қолиб, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимояланиши меҳнат унумдорлигининг ошишига сабаб бўляпти. Бугунгача 92 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, ярим йиллик режа 102 фоизга уддаланди. Бунда 193- ва 194-йўл бўлимлар йўлсозларининг меҳнатлари мақтовга лойиқ.

Корхона жамоаси шу кунларда йўлларнинг равон, атрофлари обод бўлиши учун иш олиб боряптилар. Ҳозиргача 22 километр йўл жорий таъмирдан чиқарилиб, йўл ёқаларига янги йўл белгилари ўрнатилди.

– Олти ойликда ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 56 минг сўмга тўғри келмоқда, – дейди бош иқтисодчи Абдивали Маллаев. – Ишчи-хизматчиларнинг овқатланиши учун 672 минг сўм ажратилган бўлса, уларнинг меҳнат таътилларига қўшиб бериладиган маблағи 1 миллион 69 минг сўмни ташкил этди.

Хуллас, ҳозирги кунда йўлсозлар республикамиз мустақиллигининг 13 йиллигини муносиб қаршилаш учун бор куч ва имкониятини ишга солмоқдалар.

**С.ШАВКАТОВ**

## МАЖМУА ҚУРИЛМОҚДА

***Олот туманидаги "Султонбек" фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Худойберганов Шер қишлоғи яқинида спорт мажмуаси қурилишини бошлаб юборди.***

Мажмуанинг қурилиши Б.Худойбергановга 10 миллион сўмга тушади. Уч гектар ерда футбол, баскетбол ва волейбол майдончалари, теннис корти, катта спорт зали барпо этилади. Ҳозирги кунгача 3 миллион сўмлик ишлар бажарилди.

Бундан ташқари, фермер раҳбарлигида қишлоқ болаларидан таркиб топган янги футбол ва баскетбол жамоалари тузилди. Болалар янги спорт формаси билан таъминланиб, янги спорт мажмуасида шуғулланадилар.

**"Туркистон-пресс"**

*Истиқлол берган имкон*

## МУЛКДОР

***Касаба уюшмаларида ҳадемай ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланади. Бунда ўтган даврдаги амалга оширилган ишларга якун ясалиб, галдаги режалар белгилаб олинади. Ишга танқидий кўз билан қараш, бой берилган имкониятлар хусусида ошкора фикр юритмоқ, омманинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш борасида касаба уюшма ташкилотларининг фаоллигини янада оширишга эришиш йўлларини изламоқ жуда қўл келиши табиий. Мухбиримизнинг Бухоро вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг ташкилий,маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Сайёра Раҳмонова билан сайловлар арафасидаги суҳбатининг мазмуни ҳам шу ҳақда бўлди.***

– Қаерда ҳисобот сайловларга пухта ҳозирлик кўрилса ўша ерда ютуқларга эришилиши табиий. Биз бунга ўз ҳаётий тажрибамиздан тўла-тўкис ишонч ҳосил қилганмиз. Шу маънода вилоят қўмитасида яқинда ўтказилган семинар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Чунки айнан ушбу анжуманда ҳисобот-сайловларга тайёргарлик масаласи атрофлича кўриб чиқилди. Қизғин муҳокама жараёнида юзага келган кўплаб долзарб муаммоларга атрофлича жавоб изланди.

Тармоқ касаба уюшма вилоят қўмитаси таркибида 404 та бошланғич, 2370 та касаба уюшмаси гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Улар учун зарур бўлган қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Семинардаги хулосалар асосида бойитилган тавсиялар барча бошланғич ташкилотларга етказилди.

Дастлабки ўтказилган текширишлар вилоятдаги кўплаб меҳнат жамоаларида ҳисобот-сайловларга пухта тайёргарлик кўрилаётганлигини тасдиқлайди. Айниқса, Бухоро туманидаги «Маданият», «Чорбакр», Ғиждувон туманидаги Ф.Хўжаев номли, «Зарафшон», Вобкент туманидаги «Зарбдор», «Зарафшон» Жондор туманидаги Т.Ҳотамов номли, Олот туманидаги А.Навоий номли ширкат хўжаликларида бу борада кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Бухоро тумани деҳқон-фермерлар уюшмаси, «Бухороёғ», «Пахтасаноат», «Жондорпахтатозалаш», «Бухоротаъмир» ҳиссадорлик жамиятларида ҳам касаба уюшмалари ҳаётидаги муҳим ва масъулиятли палла – ҳисобот-сайлов йиғилишларига пухта ҳозирлик кўрилаётганлиги қувончли ҳолдир. Белгиланган тавсиялар, ишлаб чиқилган йўл-йўриқ ва кўрсатмалар асосида иш юритиш эвазига юқорида номлари зикр этилган меҳнат жамоаларида қўлга киритилаётган ютуқлар кўпаймоқда.

Вилоятда янгича ўзанга ўтиб иш юритаётган фермерлар сони тўхтовсиз ошиб бормоқда. Ҳозир уларнинг сафи 8 мингтага етди. Пилла, дон, пахта етиштиришда фермер жамоалари қўшаётган ҳисса ошмоқда. Бугунги кунда дон етиштиришнинг ярмидан кўпи, пахтанинг 40 фоизи уларнинг улушига тўғри келаётир. Ўз навбатида фермер хўжаликларида ҳам касаба уюшма ташкилотларини тузишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Сўнгги ойлар ичида тармоқда касаба уюшма аъзоларининг сони фермер хўжаликлари ҳисобидан салкам 10 минг кишига кўпайди.

Касаба уюшма етакчилари фаолиятига тўғри ва ҳаққоний баҳо берилмас экан, ташкилот нуфузи ва обрўсини янада кўтариш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бугунги касабақўм мавжуд муаммоларни ўз вақтида илғаб олиб, уларни пешма-пеш ҳал қилишнинг уддасидан чиқадиган билимли , мулоҳазали, ишчан ва ташаббускор бўлсагина у одамлар ўртасида иззат-обрў қозонади. Жамоада ўзига яраша мавқега эга бўлади.

Лекин ушбу талабни ҳийла бўлса-да унутиб, сусткашликка йўл қўяётган корхона, ташкилот ва хўжаликларнинг касабақўмлари ҳам йўқ эмас. Касаба уюшма ҳаётида муҳим босқич саналган ушбу тадбирга юзаки ёндошиб, уни шунчаки номигагина ўтишига ҳайрихоҳ бўлаётган айрим раҳбар ўртоқлар масъулият – бош мезон эканлигини унутган кўринадилар. Йўқса, озгина фурсат қолганини ҳис этиб, тайёргарлик ишларини ҳар томонлама кучайтиришга эришган бўлардилар. Когон туманидаги «Ўзбекистон», Қоракўл туманидаги Охунбобоев номли, Жондор туманидаги «Варахша» ширкат хўжаликларидаги сусткашликни сира оқлаб бўлмайди.

**Суҳбатдош:**
**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири**

## БЕЛГИЯДАГИ ҲАЛОКАТ

Ўтган ҳафта дунёдаги айрим мамлакатлар учун анча ташвишли кечди. Белгия саноатида йирик ҳалокат содир бўлди. Юқори босимли газ тақсимлаш мажмуида бир неча бор кучли портлаш рўй берди. Натижада 15 киши ҳаётдан кўз юмди. Икки юзга яқин одам оғир жароҳатланди.

Маълумотларга кўра, бу сўнгги тўрт йил ичида Белгияда рўй берган энг йирик ҳалокатдир. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, фожеа газ тақсимлаш тизимидаги носозлик туфайли келиб чиққан.

Тизимдаги носозликни дастлаб шу ерда янги саноат мажмуини барпо этаётган қурувчилар пайқаган эди. Ўт ўчирувчилар газ чиқаётган жойда хавфсизликни таъминлаш ишларини бошлаган вақтда кучли портлаш рўй берди.

Кўнгилсиз воқеа учун жавобгарликни газ тақсимлаш оператори бўлган «Флюксис» компанияси ўз зиммасига олди. Компания носозликни олдиндан пайқаган ва бу ерга ўз мутахассисларини жўнатган эди. Аммо ҳалокатнинг олдини олишнинг имкони бўлмади.

Шу каби фожеа Парагвайда ҳам рўй берди. Пойтахтдаги «Икуа Боланос» савдо марказида чиққан ёнғин 274 кишининг умрига зомин бўлди.

Якшанба бўлгани учун савдо марказида одам кўп эди. Уларнинг аксарияти ёнғин натижасида оғир жароҳатланди. Маълумотларга кўра, ёнғинга газ балонининг портлаб кетиши сабаб бўлган. Энг ачинарлиси, бинода ёнғин вақтида чиқадиган йўлаклар мавжуд эмаслигидир. Саросимада қолган одамлар деразалардан зўрға ташқарига чиқишга улгурған.

Айни пайтда савдо маркази директори Хуан Пио Пайва ҳибсга олиниб, сўроқ қилинмоқда.

Президент Никанор Дуарте бу воқеани миллий фожеа сифатида баҳолади. Мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

*Ижтимоий ҳимоя*

***Вилоят енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма қўмитаси тизимдаги корхона ва ташкилотларда жорий йил Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши муносабати билан ишлаб чиқилган Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш бўйича муайян ишлар қилинди. Жумладан, ўтган давр ичида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, пенсионерлар, ногиронларга алоҳида эътибор қаратилди.***

# БОҚИМАНДАЛИК

## кайфиятидан халос бўлайлик

Бобур номли, «Асакатекстил», «Пойтуғ»,«Марҳамат», акциядорлик жамиятлари, «Ойимтекстил» қўшма корхонаси, «Андижонгаз» ҳудудий таъминот корхонаси ва бошқа ташкилотларда ушбу мақсад учун жами бўлиб 3 миллион 445 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ходимларга 1 миллион 240 минг сўмлик кийим-кечаклар мурувват ёрдами сифатида берилди. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан моддий ва маънавий ёрдамга муҳтожларнинг уйига бориб, ҳолидан хабар олинди.

Узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, нафақага чиққан пенсионерлар, меҳнат фахрийларига байрам дастурхонлари ташкил этилиб, улар маъмурият ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Чунончи, Бобур номли акциядорлик жамияти томонидан 1 миллион 190 минг сўм, касаба уюшма қўмитасидан 80 минг сўм, «Пойтуғ» калава-ип ва хом сурп ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида 924 минг сўм, «Ёрқишлоқ»да 550 минг сўм, «Антекс» да эса 690 минг сўм миқдорида маблағ ана шундай хайрли тадбирга сарф этилди. Шунингдек, Меҳр ва мурувват йили муносабати билан «Андижонтаъмирқурилиш», «Чувама» ҳиссадорлик жамиятлари, «Коммунзовур» бошқармаси томонидан ёлғиз пенсионерларнинг уйлари таъмирлаб берилди. Бунинг учун корхоналар ҳисобидан 710 минг сўм маблағ сарфланди.

«Марҳамат» ип-йигирув, «Бунёд-М» тўқимачилик акциядорлик жамиятлари ва «Фусункор» масъулияти чекланган жамиятида ишловчи Чернобил ҳалокати оқибатида нурланиш касаллигига чалинган 3 нафар ходимга моддий ёрдам кўрсатилди.

«Пойтуғ» калава-ип ва хом сурп ишлаб чиқариш акциядорлик жамиятида ишловчи байналмилалчи-жангчи К.Нурқўзиевга вилоят касаба уюшмалари Кенгаши томонидан сиҳатгоҳда соғлиғини тиклаши учун бепул йўлланма берилди. Вилоят касаба уюшма қўмитаси томонидан иккинчи чоракда меҳнат фахрийлари, ногиронлар ва кам таъминланганларга 175 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. «Андижонгаз» ҳудудий таъминот корхонаси томонидан «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни» муносабати билан шаҳардаги 2- Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 22 та спорт кийимлари, 30 хилдаги анжомлар харид қилиниб, хайрия сифатида берилди. Корхона маъмурияти бунга жами 166,4 минг сўм маблағ ажратди.

Меҳр ва мурувват йили тадбирлари доирасида «Пойтуғ» калава-ип ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти томонидан қишлоқ жойларда болалар спортини ривожлантириш мақсадида 2 миллон сўм, тумандаги Навоий номли мактабга 200 минг сўм, нафис санъат лицейини капитал таъмирлаш учун эса 2 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ўзбекистон карлар жамияти ташкил топганлигининг 75 йиллиги муносабати билан Андижон шаҳар карлар ўқув ишлаб чиқариш корхонасида тантанали маросим ўтказилди. Юбилей санаси муносабати билан ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат фахрийлари ва бир гуруҳ ногирон ишчиларига ҳомий ташкилотларнинг қимматбаҳо ва эсдалик совғалари топширилди.

Болаларни ёзги соғломлаштириш ишларига ҳам юксак масъулият билан ёндашилмоқда. Вилоят ҳудудидаги барча дам олиш оромгоҳларида болажонларни кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликлар муҳайё этилди. Тармоқ тасарруфидаги «Қалдирғоч» ва «Уч соҳил» оромгоҳлари ёзнинг илк кунлариданоқ меҳнаткашлар фарзандларини ўз бағрига олди. Ёзги таътил мавсумида «Қалдирғоч» оромгоҳида Андижон шаҳридаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг 100 нафари, Оролбўйи ҳудудидан ташриф буюрган 95 нафар болалар мириқиб ҳордиқ чиқардилар.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги олдидан тармоқ касаба уюшма Марказий Қўмитаси Раёсатининг қарорига асосан шу йилнинг май ойида корхона ва ташкилотлардаги бадиий-ижодий жамоаларнинг 3-вилоят тармоқ кўрик-танлови ўтказилди. Унда Бобур номли ҳиссадорлик жамияти жамоаси вакиллари ғолиб бўлишиб, республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этишди ва совринли ўринни эгаллашга сазовор бўлдилар.

Меҳнаткашларнинг саломатлигини муҳофазалаш, уларни спорт билан доимо ошно бўлишларига муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. «Қалдирғоч» болалар оромгоҳида «Саломатлик» спартакиадаси ўтказилиб, тадбирда 15 та корхона ва ташкилотларнинг жамоалари ўзаро беллашдилар. Бундан ташқари, тармоқ корхона ва ташкилотлар ўртасида «Ўз касбининг моҳир устаси» танлови ўтказилди. Ушбу кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этган Бобур номли акциядорлик, «Ҳунарманд» масъулияти чекланган жамиятлар, «Андижонпойабзал» ишлаб чиқариш бирлашмаси вакиллари биринчи ўринни эгаллашга муяссар бўлдилар ва ташкилий қўмита томонидан таъсис этилган диплом ҳамда рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирландилар

**Я.ЖЎРАЕВ,**
**Андижон вилоят енгил, мебел саноати ва коммунал - маиший хизмат ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси**





*Ўзбекистон ва Жаҳон*

# ШАҲРИСАБЗ МАҲСУЛОТИ АҚШГА

– Дугонажон, мана бу бежирим тикилган кийимларга бир қаранг-а, нақадар пишиқ ва пухта ишланган. Унинг арзонлигини айтмайсизми?

– Қани, ёрлиғига бир қарайликчи...

– Ие, бу ўзимизнинг Шаҳрисабзда ишлаб чиқарилган-ку!

– «Садо»да ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хорижга ҳам жўнатилаётганлигини эшитгандим...

Ушбу дўкондаги икки дугонанинг ўзаро суҳбатидан маълум бўлдики, бугунги кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўз харидорини топиб, пештахталарда туриб қолмаяпти. «Садо» масъулияти чекланган жамиятнинг кенг ва ёруғ цехларида тикув машиналарини моҳирлик билан бошқараётган хотин-қизларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бичиш цехида матолардан андоза олиниб, тикув цехига ўтказилгач, чеварлар қўлида сайқал топган маҳсулот тайёр ҳолга келтирилади.

Шуниси қувончлики, иш конвейер усулида ташкил этилган бўлиб, тайёр маҳсулотлар тўғридан-тўғри истеъмолчиларга жўнатиляпти. Тикув цехининг бошлиғи Зебо Юсупова ҳар-бир ишчининг меҳнатини қадрлайди. Бу ерда хотин-қизларнинг самарали ишлашлари учун барча шароитлар яратилган. Тикувчилар Гулноза Холмуродова, Маҳфуза Нороваларнинг ишни сифатли бажариши билан ҳамкасблари ўртасида обрў-эътибор қозонган. Айни пайтда корхонада 250 нафар малакали ишчилар ишни тез ва соз бажарилишини таъминлашяптилар. Корхона ишчи-хизматчиларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш учун эса касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномаси бандларини тўлиқ бажарилишини таъминламоқда.

– Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми йил сайин кўпаймоқда, – дейди жамият бошқаруви раиси Омон Рамазонов. - Ўтган 2003 йилда салкам 297 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари тайёрланди. Жорий йил бошидан эса 268 миллион 960 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, олти ойлик режа 114,5 фоизга уддаланди.

Маҳсулотлар Жанубий Кореянинг «TAECHANG CD. LTD» фирмаси билан тузилган шартномага мувофиқ Америка Қўшма Штатлари штатига юборилди. Энг муҳими, ҳамкорларга ушбу маҳсулотлар маъқул бўлиб, сифатига қойил қолишди. Республикамиз Мустақиллигининг 13 йиллиги байрами арафасида корхона чеварлари янада унумли меҳнат қилиб, истиқлол байрамини муносиб қаршилайдилар.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири**



# ЎЗИМИЗДАН ЧИҚҚАНГА НЕ ЕТСИН

**Самарқанд шаҳридаги «Sino» очиқ турдаги акциядорлик жамияти анча йиллардан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу корхонада 300 нафар ишчи-ходим меҳнат қилиб, уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 60 минг сўмни ташкил этаётир. Ҳозирги вақтда бу ерда 17 турдаги совутгич ва музлатгичлар ишлаб чиқарилмоқда. Ишчилар моддий рағбатлантирилиб бориляпти. 150 кишига мўлжалланган ошхона ишлаб турибди. Ишчиларга иссиқ овқат берherляпти, кийим-бош ва ишга келиб-кетишлари учун махсус автотранспорт ажратилган.**

**Суратларда: илғор ишчилар Т.Умаров ва И.Аҳмедов иш пайтида.**

**Ғулом ХИДИРОВ олган суратлар**

*Тадбир*

# УСТОЗ-ШОГИРДЛАР УЧРАШУВИ

***Куни кеча пойтахтимиздаги «Табассум» кафесида Либерал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши, «Ҳунарманд» ҳамда «Усто» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмалари ташаббуси ва ташкилотчилигида устоз-шогирдлар учрашуви бўлиб ўтди.***

Тадбирга 150 га яқин устоз-шогирдлар таклиф этилди. Жумладан, унда ёғоч ўймакори, Ўзбекистон халқ рассоми Ортиқ Файзуллаев, хизмат кўрсатган санъат арбоби, Республика Бадиий Академияси академиги Акбар Раҳимов, Беҳзод номидаги Давлат мукофоти лауреати Анвар Илҳомов, халқ усталари - Мирвоҳид Усмонов, Сирожиддин Раҳматуллаев, Мансуржон Муродов сингари таниқли устозлар иштирок этишди.

Сўзга чиққан усталар шогирдларига ўз ҳаёт йўллари, касб маҳорати тўғрисида сўзлаб бердилар. Бундан ташқари, республикамизда миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, шу билан бирга, ёш авлодни ватанпарварлик, одамийлик каби олижаноб фазилатлар руҳида тарбиялаш тўғрисида сўз борди. «Устоз-шогирд» анъанасини катта миқёсда тарғиб-ташвиқ қилиш, амалиётга кенг жорий этишга келишиб олинди. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида меҳнат қилаётган устоз усталарга шу ҳақдаги мурожаатнома қабул қилинди.

Ажойиб куй-қўшиқлар, дилтортар суҳбатлар тадбирга ўзгача тароват бахш этди.

**О.КАМОЛОВ**

# “ОФИС-МАРКЕТ” ДАФТАРЛАРИ

***Феруза Холмирзаева “Офис-маркет” корхонасининг Термиз шаҳар филиалига раҳбарлик қилиб келади. Бу ерда мактаб ва идора дафтарлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган.***

Ўқувчилар учун 24 варақли, идоралар учун 32 варақли дафтарлар, айниқса, сифати ҳамда арзонлиги билан мижозларга манзур бўлаётир.

Дафтарларнинг муқовасига кўҳна Сурхондарёнинг улуғ қадамжолари, буюк сиймоларнинг доно сўзлари битилган. Ҳозиргача савдо дўконларига бундай дафтарлардан юз минг донаси чиқарилди.

**“Туркистон-пресс”**

*Тадбиркорлик — давр талаби*

# ХУСУСИЙ ФИРМА ИМКОНИЯТИ

Маҳсулот сифатини баҳолашда уни сертификатлаш муҳим механизм ҳисобланади. Ушбу талаблар асосида Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази вилоят корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, рақобатбардошлигини ошириш борасида муайян ишларни амалга оширди. Манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжат талаблари хусусида маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчиларга тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Ҳозирда кичик ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, корхона ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни белгиланган тартибда сертификатлаштиришнинг аниқ дастури тузилиб, тегишли ишлар олиб борилмоқда. Натижада биринчи ярим йилда «Рустам Ҳалим» хусусий фирмаси, «Файзиобод» жамоа корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган гўшт ва гўшт маҳсулотлари, «Ривож» хусусий фирмасининг полиэтилентерфторит преформалари, «Шавкатбек» жамоаси ишлаб чиқараётган макарон маҳсулотлари, «Хирмон нон», «Азимжонбек», «Мумтозбегим-98» хусусий фирмаларининг нон ва нон маҳсулотлари, «Шаропов-Ш», «Шариф Ота», «Виктория-Ника» корхоналари ишлаб чиқараётган сут ва сут маҳсулотлари, музқаймоқлар сертификатланди.

Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази «Ўзстандарт» агентлигида салмоқли ўринларда туради. Хусусан, бу ерда меъёрий ҳужжатлар фондини оширишга катта эътибор қаратилган. Айни пайтда марказда 10 минг донадан кўпроқ барча соҳаларга оид меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Шунингдек, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган янги турдаги маҳсулотларга меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишда марказ ходимлари яқиндан кўмак бериб келишмоқда. Айни пайтда вилоятда ўз маҳсулотларини четга экспорт қилаётганлар кўпчиликни ташкил этади.

Умуман, жорий йилнинг олти ойи даврида марказга мижозлар томонидан 16 миллиард 744 миллион 168,9 сўмлик маҳсулотлар сертификатлаштириш учун тақдим этилиб, 4825 та мувофиқлик сертификати берилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 509 тага кўп демакдир. Хорижий давлатларнинг 121 та мувофиқлик сертификатлари эса эътироф этилди. Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш суръати ўсиб бораяпти. Ишбилармонлар сафи кенгайиб, ички ва ташқи бозорни «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остидаги маҳсулотлар эгаллай бошлади.

– Маҳсулотнинг сериялик ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналарга мувофиқлик сертификати олиш учун услубий-амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда халқаро стандартлар асосидаги сифат менежменти тизимига катта эътибор берилмоқда,– дейди марказ директори Икром Нарзиев. – Айнан шу мақсадда «Шоҳруд» ҳиссадорлик жамияти ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига ушбу тизимни татбиқ этиш учун тегишли ишлар олиб борилаяпти. Шунингдек, сертификатланган маҳсулотлар устидан инспекцион назорат ўтказиш самарадорлиги ҳам анчайин ошди.

Натижада газланган сув, алкоголсиз яхна ичимликлар ишлаб чиқарувчи «Ғиждувонматлубботсавдо»га қарашли цехга берилган мувофиқлик сертификати бекор қилинди. «Бухорогўшт» жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга берилган 3 та, «Шамс-Шер» хусусий фирмасининг сут ва сут маҳсулотларига берилган 2 та мувофиқлик сертификатларининг амал қилиш муддати вақтинчалик тўхтатилди. Бу ҳақда аввало истеъмолчиларга маълум қилиниб, сифатсиз маҳсулотлардан огоҳ этилди. Умуман сертификатлаш жараёнида 5 миллион 637,74 минг сўмлик маҳсулотлар сифати меъёрий ҳужжат талабларига жавоб бермади.

Марказнинг қиёслаш бўлими томонидан эса вилоятдаги мавжуд 39 минг 716 та ўлчов ускуналари давлат кўригидан ўтказилди. Ушбу жараёнда ҳам улардан 864 донаси фойдаланишга яроқсиз, деб топилди. Айни пайтда бу ерда янги турдаги замонавий ўлчаш воситаларини қиёслаш йўлга қўйилиб, 11 та синов лабораториялари фаолият кўрсатиб келмоқда. Хусусан, марказда саноат ва маиший газ ўлчагичларни давлат кўригидан ўтказиш лабораторияси ишга туширилди. Яқиндан намунавий газ ўлчагичлар ҳам қиёсловдан ўтказила бошланди. Бу эса республикамизда мавжуд ушбу турдаги асбобларни четга олиб бориб қиёслашга чек қўйиб, валютани тежаш имконини яратди. Келгусида полимер маҳсулотларни синаш ва автомобиллар эҳтиёт қисмлари сифатини текшириш лабораторияларини ишга тушириш режалаштирилган.

**Д.ЖОЗИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



Йўлларнинг текис ва равон бўлишида йўлсозларнинг хизмати катта. Бу борада пойтахтимизнинг Миробод тумани ободонлаштириш бошқармасига қарашли йўл таъмирлаш бўлимида бир талай ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган ярим йил мобайнида бўлим ишчилари томонидан 4 минг квадрат метр ҳажмда таъмирлаш ишлари бажарилди. Тажрибали йўлсоз Олмос Давлатов етакчилигидаги йўл таъмирловчилари йил охиригача яна шунча ҳажмдаги юмушларни амалга оширишни режалаштиришган.

*«Ишонч» фош этади*

# ДЕҲҚОНСИЗ ДЕҲҚОН БОЗОРИ

***Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 июндаги «Бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан кейин Булоқбоши деҳқон бозорида хайрли ўзгаришлар бўлганидан кўз юмиб бўлмайди.***

Ушбу қарордан кейин бозор бўйига ва энига кенгайиб 268 та савдо ўрни яратилди. 11 та дўкон, 200 ўринли 6 та ёпиқ павильон қурилиб, ишга туширилди. Бу истеъмолчилар учун ҳам айни муддао эди. Чунки олди-сотди савдолари илгаридек ёзда жазирама, қишда совуқ ҳавода эмас, балки жиҳозланган расталарда амалга оширилмоқда. Бюджет тўловларида олға силжиш кузатилади.

Бироқ Андижон вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасининг режали текширувида «бозорга кўз тегди». Унда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги «Аҳоли билан нақд пул ҳисоб-китоби қилинганда назорат-касса машиналаридан мажбурий фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги қарори талаблари қўпол равишда бузилганлиги ойдинлашди. Жумладан, катта миқдордаги тушум пуллари банкка топширилмасдан бозор қурилиши учун ишлатиб юборилганлиги, солиқ идоралари рўйхатидан чиқарилган эски назорат-касса машиналари ишлатилганлиги, ободончилик баҳонасида 401 минг 965 сўм қўшиб ёзилганлиги юзага чиқди. Бозордаги қурилишлар ана шу қонунбузилишлар ҳисобига бўлганди...

Хўш, ўтган давр мобайнида Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарорида белгилангандек, бозорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи харид қилиш ва маҳсулот етиштирувчилар билан шартномалар тузиш, фьючерс шартномалари тузишга масъул савдо-харид корхоналари иши фаоллашганми?

Ана шу савол билан бозорнинг ҳозирги бошлиғи, Ҳабибулло Каримовга юзланамиз. Суҳбатдошимиз сукутга толади. Бироздан кейин ўнғайсиз жимликнинг сабаби аёнлашади. Савдо-харид корхонасининг номи бору, аммо дўконлари йўқлигини бошлиқ тан олади. Унда жорий йил учун тузилган жами қиймати бор-йўғи ярим миллион сўмдан ошмайдиган, 139,1 тонна маҳсулот тайёрланиши келишилган 12 та контрактация шартномаси қаерда қолди?

Шартномаларнинг ижроси, айниқса, бизни қониқтирмади. Энг ёмони тайёрловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларининг чекланаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Масалан, 2004 йил 26 мартда савдо-харид корхонаси билан «Боғбон» фермер хўжалиги ўртасида тузилган 12-сонли контрактация шартномасини олайлик. Унда соҳибкор А.Бобожонов томонидан август-сентябр ойларида умумий қиймати 300 минг сўмлик 5 тонна олмани бозорга етказиб берилиши белгиланган. Шунингдек, корхона ўз навбатида тайёрловчига олдиндан 75 минг сўм бўнак тўловини амалга ошириши шартномада кўрсатилган. Аммо тўлов бажарилмаган. 13 мартда имзоланган 3-сонли контрактация шартномасида тайёрловчи июл ойигача 25 тонна пиёз, помидор каби маҳсулотларини бозорга келтириб, сотиши расмийлаштирилган. Деҳқоннинг қўлига бўнак пули тегмаган. Полизларда пишиқчилик авжида, бироқ на помидор, на пиёздан дарак бор. Савдо-харид корхонаси билан «Мусулмонқул» фермер хўжалиги бошлиғи М.Хожиев ўртасида тузилган, 24 март куни қайд этилган 5-сонли шартнома ижроси ҳам ўлда-жўлда бўлиб чиқди. Чунки 180 минг сўмлик 5 тонна ўрик ҳам, корхонанинг бўнак пули насия бўлган. Бунинг сабабини сўраганимизда, Ҳ.Каримов табиий офатни рўкач қилди. Аммо суғурта идорасининг кафолатномасини кўрсата олмади.

Баъзан деҳқон маҳсулотини бозорга чиқариб сотиш учун сарф-харажатларга зориқиб қолади. Ана шунда бўнак пули жонига оро киради. Бўнак пуллари қоғозда бору, амалда бўлмагач, деҳқоннинг қандай қилиб бозорга оёғи тортсин. Ҳ.Каримов билан расталарни айланар эканмиз, пештахталарда ўз маҳсулотини хоҳ улгуржи, хоҳ қоплаб сотаётган номига бўлса-да, бир томорқачи ёки деҳқонни учратмадик. Деҳқонсиз деҳқон бозори, деб шуни айтадиларда!

Афсусланарлиси, қовун, тарвуз, карам, бодринг учун умуман шартномалар тузилмаган. Лекин пештахталар ана шу маҳсулотлар билан лиқ тўла. Кимники бўларди, олибсотарлар бозорга ин қурган. Бундай аҳволда бозорнинг ҳузурини чорбозорчи кўриб, жабрини истеъмолчи тортиши табиий.

Мулоқотни вилоят бозорлар уюшмаси бош ҳисобчиси Жумабой Зокиров билан давом эттирамиз:

– Бозорда 6 ойлик жой ҳақи ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш йиғимлари 20 миллион 386 минг 700 сўм, соф даромад 538 минг 700 сўмга ўринланди.

Бу чакки эмас, албатта. Йиғимларни бундан-да кўпайтириш имкониятлари мавжуд. Бош ҳисобчи билан суҳбат давомида бозор ҳудудида 36 та турғун дўконнинг ишлаётгани, атиги 11 тасида назорат-касса машиналаридан фойдаланилаётгани ойдинлашди. Қолганларидаги нақд пул тушумларига назорат идоралари кўз-қулоқ бўлганларида киссага эмас, кассага тушган бўларди.

**С.РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# Ёзги соғломлаштириш – юксак масъулият

## СПОРТ МАЙДОНЧАСИДА

Ангрен шаҳри яқинидаги Чотқол - Қурама тоғ тизмалари этагида ажойиб дам олиш маскани бор. Бу Янгиобод йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармасига қарашли бошқача айтганда эса у йўлчилар болаларини соғломлаштириш оромгоҳидир. Бу ерга қадам қўйишингиз билан ёш болажонларнинг шўх-шодон қийқириқларига гувоҳ бўласиз. Оромгоҳ бўйлаб кишига ҳузур бахш этувчи ёқимли куй таралади. Бутун ёз мавсуми давомида шундай ҳолат ҳукмрон.

- Келажагимиз эгалари бўлган болажонлар учун барча зарур қулайликлар муҳайё этилган, - дейди оромгоҳ раҳбари Покиза Алиева. - Биринчи ва иккинчи мавсумларда жами бўлиб 550 нафарга яқин ёш ўғил-қиз соғломлаштирилди. Масканимиз атрофи тоғлар билан қуршалган гўзал табиат қўйнида эканлиги ҳар бир кишини ўзига чорлайди ҳамда ҳузурбахш кайфият уйғотади. Мана бир неча йилдирки, меҳнаткашларнинг ўғил-қизлари ёзги таътилни шу ерда мароқли ўтказишмоқда. Ҳомийлар ва оромгоҳ маъмурияти уларни кўнгилли ҳордиқ чиқаришларини таъминламоқдалар. Бу ерда 16 нафар юқори малакали тарбиячи ва етакчи иш олиб бормоқда. Бош етакчи П.Лапшов болаларнинг истак- хоҳишлари, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда тадбирлар режасини ишлаб чиққан. 18 гектар майдонни эгаллаган оромгоҳда спорт майдончалари, 2 та бассейн, турли хил аттракционлар мавжуд. Маънавият хонаси ўзбек, рус тилларида ва лотин алифбосидаги кўплаб бадиий адабиётлар билан бойитилган. «Ёш рассомлар», «Моҳир қўллар» тўгараклари мунтазам фаолият кўрсатаётир. Бундан ташқари, спортнинг бир неча тури бўйича секциялар ишлаб турибди. Йўриқчи Д.Наборщиков сузиш бўйича машғулотлар олиб боряпти. Жисмоний тарбия ишлари бўйича етакчи Виктор Бацанов спортнинг футбол, волейбол, шахмат - шашка, енгил атлетика турлари бўйича гуруҳлараро спартакиадани ташкиллаштиришда ҳамиша бош-қош. Бир сўз билан айтганда, болаларнинг ижодини, ташкилотчилик қобилиятларини шакллантиришда, уларнинг баркамол бўлиб улғайишларида оромгоҳ катта тарбия маскани бўлиб хизмат қилаётир.

Масканда тиббий пункт мавжуд бўлиб, икки нафар малакали ҳамшира болажонларнинг соғлиғидан доимо бохабар бўлиб туришибди. Ушбу дам олиш мавсумида ҳомий корхона маъмурияти томонидан зарур дори - дармонлар учун 300 минг сўм маблағ ажратилган. Кенг ва ёруғ ётоқхона дам олувчилар хизматида бўлиб, янги кроватлар, кўрпа ва чойшаблар билан тўла таъминланган. Бириктирилган ходимлар томонидан озодалик ва тозаликка алоҳида аҳамият берилаётир. Ҳар куни оромгоҳда муайян кўнгилочар тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилган.

**Одил ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## «ОҚ БУЛОҚ» ҚУВОНЧЛАРИ

***Оромгоҳга қадам ранжида қилишингиз билан она-табиат оғушида қоласиз. Шовуллаган кўм-кўк ўрмонзор. Дарахт баргларининг майин шивири, ариқчалардаги кумушранг сувларнинг шилдираши, сайроқи қушларнинг нағмасидан дилингиз яйрайди.***

Ўрмонзор узра янграётган қийқириқлар баҳорни олқишлаб симёғочларда мажлис қурган қалдирғочларнинг «вижир-вижири»ни эслатади.

Ям-яшил майсазордаги футбол ўйингоҳида эса қарсагу олқишлар бир зум тинмайди. «Маънавият ва маърифат хонаси» деган лавҳа диққатимизни тортади. Ичкари кирамиз. Бош тарбиячи Робияхон Умаровани болакайлар даврасида учратамиз. «Ёш рассомлар» тўгарагида машғулот пайти экан. Оромгоҳ биринчилиги учун ватанпарварлик тарбиясига бағишланган «Кимнинг қишлоғи чиройли» кўрик-танловига тайёргарлик бораётганини Робияхондан эшитдик.

Шу пайт тарбиячи Диломхон Бўстонова бошчилигидаги болалар гуруҳига кўзимиз тушди. Елкаларидаги сафар халтачаларидан ёш ўлкашуносларнинг ҳозиргина табиат қўйнига уюштирилган сайру саёҳатдан қайтганларини пайқадик. Офтобда



қорайган чеҳралардан, чарақлаган нигоҳлардан, ўзаро қизғин тортишувлардан сафар таассуротларга бой



бўлганлиги сезилиб турарди.

Кўп ўтмай, ошхона томондан мазали шўрва ҳиди димоққа урилди. Ошпаз Олимжон Бозорбоевнинг қўлига тегмайди. Тарбиячилар ўз гуруҳидаги болаларни сафлаб ошхонага йўл олдилар. Ширин чой, гўштли таомлар, қандолат маҳсулотлари, сархил мевалардан тайёрланган шарбат тортилган тушлик дастурхонига дам олувчилар иштаҳа билан ўтирдилар.

Болажонларни ошхонада яна бир қувончли янгилик кутиб турарди. Дам олиш соатидан кейин ёзги клуб саҳнасида гуруҳлараро «Зукколар» беллашуви бошланиши, орада ҳаваскор қўшиқчилар чиқиши уюштирилиши, яқин орада Андижон шаҳридаги «Болалар боғи»га автобусда саёҳатга бориш ҳақидаги хушхабар овоза бўлиб кетди.

Жалақудуқ тумани меҳнаткашларининг фарзандлари «Оқ булоқ» оромгоҳида ёзги соғломлаштириш мавсумини ана шундай мазмунли ва мароқли ўтказяптилар.

Дам олиш масканида айни кунларда 100 нафарга яқин болакай ҳордиқ чиқармоқда. Мавсум давомида 400 нафар ўғил-қизларимизнинг ёзги таътилини кўнгилли ўтказиш режалаштирилган. Болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини намунали ўтказиш учун 10 миллион сўм ажратилган. Ушбу маблағларнинг 40 фоизи касаба уюшмаларининг ижтимоий суғурта маблағларидан қопланмоқда. Кам даромадли оилаларнинг болажонлари алоҳида ижтимоий ҳимояга олинган. Меҳрибонлик уйларининг 30 нафар тарбияланувчилари, ногирон болалар бепул дам оладилар.

Оромгоҳни мавсумга тайёрлаш, зурриётларимизни яйраб-яшнаб дам олишида ҳомий ташкилотларнинг кўмагини таъкидлаш жоиз. «Ойимбекател» қўшма корхонаси 150 ўринли ётоқхонани кўрпа-ёстиқ жилдлари билан таъминлаш, Исанов номли ширкат хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш, пахта тозалаш заводи ошхонани таъмирдан чиқариш, тоза ичимлик суви келтириш, оромгоҳни электрлашда жонбозлик кўрсатди.

**С.РЎЗИЕВ**

## ОРОМГОҲДА КАМОЛОТ КУНИ

Ниёзботир қишлоғи азалдан Асакадаги энг гўзал гўшалардан бири ҳисобланади. Шундан бўлса керак хушманзара, гўзал масканлардан бири «Машъал» болалар оромгоҳи ҳам шу ерда жойлашган. Унга 1950 йилда асос солинган бўлиб, ҳозирга қадар 40 мингга яқин болаларни ўз бағрига олганлиги фақат айтишгагина осон. Туман ҳокимлиги ҳамда агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма туман қўмитасининг бевосита оталиғида ҳар йили оромгоҳ пухта таъмирдан чиқарилиб, болаларни мириқиб дам олишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Меҳр ва мурувват йилида ҳам оромгоҳ уч сменада 800 нафар болаларни хушнуд этади. Ушбу оромгоҳда 180 ўринли ошхона, 5 та ётоқхона, 1000 дан ортиқ китоб жамғармасига эга бўлган кутубхона, спорт майдончаси, сузиш ҳавзаси ва бошқа шароитлар талаб даражасида ташкил этилган.

Бундан ташқари, оромгоҳдаги дискотека саҳнаси болалар хизматида бўлиб, мавсум давомида уларни маънавий-маданий эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Энг муҳими, болалар учун озиқ-овқат таъминоти қатъий белгиланган нормада узлуксиз ташкил этилгани диққатга сазовордир. Мавсум давомида тумандаги ширкат хўжаликлари томонидан гўшт, «Асакасавдо» матлубот ҳиссадорлик жамияти томонидан эса 8 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Оромгоҳ тартиб-қоидасига кўра турли кўнгилочар тадбирлар, спорт соғломлаштириш ўйинлари, маданий-маърифий мусобақалар, дискотека каби турли мазмундаги дастурлар ташкил этилаётгани болаларнинг бой таассуротга эга бўлишларини таъминламоқда. Бу борада 44 нафардан иборат тарбиячи, етакчи ва бошқа ишчи-хизматчиларни қатъий режа асосида пухта иш олиб бораётганларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Мавсум давомида оромгоҳда спорт-соғломлаштириш ишлари билан бир қаторда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан «Махсус кун» ўтказилиши айни муддао бўлди.

Шу куни оромгоҳга агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитаси раиси Равшанбек Йўлдошев, Қизил ярим ой жамият вилоят бўлими раисининг ўринбосари Қаҳрамон Қаҳҳоров, вилоят ИИББ ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўлими бошлиғи, милиция майори Кўчқорбой Ҳакимов ҳамда тармоқ касаба уюшма туман қўмитаси раиси Ҳидоятулло Аҳмедовлар болаларнинг бир кунлик дам олиш фаолияти билан батафсил танишиб, улар билан дилдан суҳбат қурдилар. «Камолот куни» давомида болалар оромгоҳда ўрганган ўзларининг махсус дастурларини ижро этиб, юксак маҳоратларини намойиш этишди.

Ғолиб ўқувчилар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**И.ЖАЛИЛОВ**

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

***САВОЛ: барча II-гуруҳ ногиронлари вазифаларидан озод қилиниши шартми?***

***II-гуруҳ ногиронини вазифасидан озод қилиш тартиби тўғрисида тушунтириш берсангиз.***

**Ў.ТОШЕВ,**
**Тошкент шаҳри**



**ЖАВОБ**: Тиббий меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) томонидан ходимга учинчи, иккинчи ва биринчи гуруҳ ногиронлиги белгиланади. Гуруҳ ногиронлигига ходим умумий касаллик, ишлаб чиқаришда жароҳат олиши ва касб касаллиги туфайли чиқарилиши мумкин.

Ҳозирги кунда амалиётда ТМЭК томонидан ходимларга II-гуруҳ ногиронлиги бериш ҳоллари кўплаб учраб туради ва «Меҳнатга қобилиятсиз» деган хулоса чиқарилади. Бу хулосага мувофиқ ходимни бажараётган ишига нолойиқ деб топиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-модда II-қисми, 2-бандига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинишига йўл қўйилмайди. ТМЭК Меҳнат Кодексига мос равишда «Меҳнатга қобилиятсиз» сўзларининг ўрнига «ходим бажараётган ишига нолойиқ» деб хулосасини берса, ўртадаги тушунмовчиликларга чек қўйилган бўларди. Ҳозирча ТМЭКнинг янги «Йўриқнома»си қабул қилинмаган экан, иш берувчи томонидан бу масалада қуйидаги ишлар амалга оширилмоғи зарур:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-модда II-қисм, 2-бандига биноан ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши иш берувчининг ташаббуси билан ходим билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилинишига асос бўлади.

Ходимнинг бажараётган ишига нолойиқ деб топилиши фақат тиббий хулоса билан тасдиқланиши керак. Ҳар бир иш берувчи ёдда тутиши керакки, ходим меҳнат қобилиятини қисман йўқотса ёки унга II-гуруҳ ногиронлиги белгиланган бўлса ва бажараётган иши унинг саломатлиги даражасига зид бўлмаса, иш берувчи ўз ташаббуси билан (МК 100-м. II-қисм, 2-банд) вазифасидан озод қилишга ҳақли эмас. Чунки, ҳар қандай лавозимда ишлайдиган ходимга II-гуруҳ ногиронлиги ўрнатилиши мумкин. Бу ходим автотранспорт ҳайдовчиси, оғир юкларни кўтариш билан боғлиқ бўлган ва баландликда ишлайдиган қурувчи бўлиши, иши соғлиққа зарар келтирувчи ишлар билан боғлиқ бўлган ходим ёки идорада ишлайдиган ҳисобчи, ходимлар иши билан шуғулланувчи мутахассис ва енгилроқ ишларни бажарувчи шахс бўлиши мумкин.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, оғир юкларни кўтарувчи қурувчи, автотранспорт ҳайдовчиси ва соғлиққа зарар келтирувчи ишлар билан банд бўлган ходимлар II-гуруҳ ногирони бўлса, ўз вазифаларини бажара олмасликлари мумкин. II-гуруҳ ногирони бўлган идора ходимлари ёки енгилроқ иш билан банд бўлган ходим эса ўз вазифасини бажариши мумкин.

Шунинг учун ходимнинг ўз вазифасини бажара олишлиги мумкинми ёки йўқми, деган саволга фақат ТМЭК хулосаси жавоб бериши керак. ТМЭКнинг «Меҳнатга қобилиятсиз» деган хулосасига мувофиқ ходим Меҳнат Кодексининг 100-модда, II-қисм, 2-банди билан вазифасидан озод қилинса, бу ноқонуний ҳисобланади.

Агар ходимга ТМЭК томонидан II-гуруҳ ногиронлиги берилиб, у «Меҳнатга қобилиятсиз» деган хулоса берилса, иш берувчи томонидан ходимни «Меҳнатга қобилиятсиз»лигига аниқлик киритилиши зарур. Бунинг учун иш берувчи ходимга II-гуруҳ ногиронлиги ўрнатган ТМЭКга хат билан мурожаат қилиши керак. Хатда ушбу ТМЭК томонидан ходимга II-гуруҳ ногиронлиги ўрнатилганлиги, «Меҳнатга қобилиятсиз» деб хулоса берилганлиги, унинг лавозими кўрсатилган ҳолда у соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига лойиқми, деган савол қўйилиши, хатга ходимнинг меҳнат вазифалари тўғрисидаги Низом ва бўш лавозимлар рўйхати ҳамда бу лавозимларда ишлайдиганларнинг меҳнат вазифалари илова қилиниши шарт.

Фақат ТМЭК бу хатни ва Низомни ўганиб чиқиб, ходим бажараётган ишига нолойиқ деган хулоса берса, иш берувчи ўз ташаббуси билан ходимни Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, II-қисм, 2-банди билан бажараётган ишига нолойиқ деб топиб, меҳнат шартномасини бекор қилиши ҳуқуқига эга бўлади.

Иш берувчи ходимни шу асосда вазифасидан озод қилишдан олдин амалдаги қонунга асосан ходимни иш билан таъминлаш чораларини кўриши ва тиббий хулосага асосан унинг розилиги билан у бўш бўлган лавозимга ишга ўтказилиши зарур.

Агар ходимни иш билан таъминлашнинг имкони бўлмаса Меҳнат Кодексининг 101-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ўртасида тузилган Келишувга асосан касаба уюшма қўмитасининг розилиги олдиндан олинади.

Касаба уюшма қўмитасининг розилиги олингандан кейингина иш берувчи ходимни Меҳнат Кодексининг 100-моддаси II-қисм, 2-банди билан уни бажараётган ишига нолойиқ деб вазифасидан озод қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради ва Меҳнат Кодексининг 102-моддаси асосида икки ҳафталик огоҳлантириш муддатига пуллик компенсация (чунки соғлиғи туфайли ўз вазифасини бажара олмайди), 109-моддага биноан эса бир ойлик ишдан бўшатиш нафақаси тўлайди.

Агар ходим ТМЭКнинг «Меҳнатга қобилиятсиз» деган хулосасига мувофиқ вазифасидан озод қилинган бўлса, ходим албатта ўз ишига тикланиши, Меҳнат Кодексининг 275-моддасига асосан мажбуран бекор юрган вақти учун ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланиши, бажараётган ишига нолойиқлигини аниқлаш мақсадида ТМЭКга хат билан мурожаат қилиниши ва меҳнат дафтарчасига ўз вазифасига тикланганлиги тўғрисидаги тегишли ёзувлар киритилиши зарур.

## ИЖРО САМАРАДОРЛИГИ ОШМОҚДА

Суд ҳукми, қарор ва ажримлари ҳамда бошқа органлар ҳужжатлари ижроси тўлиқ амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ижро тизими суд-ҳуқуқ соҳасининг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Кейинги йилларда мамлакатимизда айни тизимни такомиллаштириш, ижро самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

- Ижро жараёнида амалга оширилаётган ишлар бу борадаги ислоҳотларнинг нечоғли тўғрилигини кўрсатяпти, - деди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти директори ўринбосари Баҳодир Янгибоев ЎзА мухбирига. - Тақдим этилаётган ҳужжатлар ижросининг ўз вақтида якунига етказилишига жиддий эътибор қаратилаётгани давлат, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар манфаати ҳимояси таъминланишида муҳим омил бўлаётир.

Жорий йилнинг биринчи ярмида республика суд ижрочилари бўлинмаларига 358 мингга яқин ҳужжат келди. Уларга асосан ундирилиши лозим бўлган пул маблағи миқдори 191,5 миллиард сўмни ташкил этди. Амалга оширилган изчил чора-тадбирлар натижасида улардан 80,7 фоизининг ижроси тўлиқ таъминланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,7 фоиз кўп демакдир.

Айниқса, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи ундирувлар, хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлаш бўйича самарали натижаларга эришилди.

Суд ижрочилари фаолиятининг ҳуқуқий негизини ташкил этувчи «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун талаби асосида мажбурий ижро билан боғлиқ фаолият механизми ишлаб чиқилгани ижро иши самарадорлигида катта аҳамият касб этяпти. Қонуннинг 82-моддасида ижро ҳужжати талабини ихтиёрий равишда бажармаганлик учун жавобгарлик масаласи киритилгани ҳамда мажбурий ижро чораларини қўллаш амалиёти йўлга қўйилгани ижронинг белгиланган муддатда тўлиқ якунланишини таъминламоқда.

***«Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компанияси Ўзбекистоннинг 20 та етакчи тижорат банкининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти якунлари бўйича навбатдаги рэнкингини тақдим этди.***

## БАНКЛАР РЭНКИНГИ

Рэнкинг - бир неча банклар /корхоналар/ни айрим молиявий кўрсаткичларнинг жисмоний ҳажми бўйича таққослаш. Масалан, аҳолидан қабул қилинган омонатлар бир томондан одамларнинг мазкур банкка бўлган ишончидан далолат берса, иккинчи томондан банк хизматларининг жозибадорлиги белгисидир. Берилган кредитлар эса мижозлар базаси ва кредитлаш ишларини ташкил этиш даражасидан дарак беради.

Ўтган давр мобайнида рэнкингда иштирок этувчи банклар томонидан қабул қилинган аҳолининг жами омонатлари ҳажми 6 фоизга ошди. Бу кўрсаткич бўйича кичик ва ўрта гуруҳ банкларининг натижалари ҳаммадан юқори. Бу тоифада Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки биринчи, «Ўзсаноатқурилишбанк» иккинчи ва «Халқ банки» учинчи ўринни эгаллади.

«Ўзприватбанк» биринчи марта аҳоли омонатларини жалб қилищ бўйича етакчи банклар рўйхатига киритилди. «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ҳамкорбанк», «Ғаллабанк», «Ипак йўли» банки ва «Капитал-банк» рэнкингда ўз ўринларини мустаҳкамлади. «Ҳамкорбанк» эса республиканинг айрим йирик банкларини ортда қолдириб, ишонч билан илгариламоқда.

Кичик ва ўрта банклар ҳам кредит операцияларини сезиларли равишда фаоллаштирди. Бу борада Ўзбекистон Миллий банки, «Асака» банк ва «Ўзсаноатқурилишбанк» биринчи учта ўринни банд этиб турибди. «Халқ банки» ва «Бизнес-банк» ҳам ўз ўринларини яхшилади. Шуниси қувонарлики, етакчи банклар қаторига «Равнақ-банк» ҳам қўшилди.

**(ЎзА)**

*Элга хизмат — олий ҳиммат*

## ЙЎНАЛИШДА ЯНГИ АВТОБУСЛАР

Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишни йўлга қўйишда «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси томонидан қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Давлат уюшмасига қарашли биринчи автосарой жамоаси ҳам аҳоли узоғини яқин қилишдек савобли ишдан четда қолмаётир.

Айни пайтда бу ерда 51 та йўловчи ташишга мўлжалланган, хорижда ишлаб чиқарилган замонавий русумдаги автоуловлар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилигини Германиядан келтирилган «Мерседес-Бенц» автобуслари ташкил этади. Тезюрарлиги, ихчамлиги, салоннинг кенг ва қулайлиги билан йўловчиларга манзур бўлаётган бу автоуловлар 12 та йўналиш бўйича хизмат кўрсатмоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, 280 нафар юқори малакали ҳайдовчилар хизмат қилаётган жамоада меҳнат интизоми қатъий йўлга қўйилган. Бу эса иш унумини оширишда катта аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга меҳнат манфаатдорлигининг юқорилиги ҳам муваффақиятлар омили бўлаяпти. Автокорхонада ўртача ойлик иш ҳақи 95 минг сўмни ташкил этмоқда. Белгиланган иш режасини ортиғи билан адо этган ҳайдовчилар мунтазам рағбатлантириб бориляпти.

**Ғ.ХИДИРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



*Қарор ва ижро*

## СОЛИҚ ТЎЛАШ ОДАТИМИЗ БЎЛСИН

Солиқ хизмати ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида»ги қарори юзасидан Нукус шаҳри бўйлаб рейд ўтказди. Текширувларнинг бирида Чимбой кўчаси 20 уйда истиқомат қилувчи Ерполат Инаевнинг яширинча қандолат маҳсулотлари тайёрлаб сотаётганлиги маълум бўлди. Ноқонуний цехдан 600 килограмм шакар, 1000 килограмм кондитер маҳсулотлари, 240 килограмм қанд, бир дона қанд қуйиш қолипи ва бошқа ускуналар далилий ашё сифатида олинди.

«Айдин йўл» бозорида жойлашган дўкон сотувчиси Гулсанам Худайбергенова эса 25 минг сўмлик савдо пулини НКМ га кирим қилмаганлиги учун жаримага тортиладиган бўлди. Бундан ташқари, 55 турдаги 2740 минг сўмлик чет эл товар-моддий бойликларни ҳужжатсиз савдога чиқарганлиги ҳам маълум бўлди. Хўжайли туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари ноқонуний равишда спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи фуқароларни қўлга туширдилар. Белгиланмаган жойда савдо қилаётган Оразбой Шамшетовдан 91 шиша, Қодирбой Сейтжановдан 90 шиша, Айтгул Бозорбоевадан эса 120 шиша қўлбола спиртли ичимликлар олинди. Улар сифати текшириб кўрилганда эса истеъмолга яроқсиз деб топилди. Янгиариқ тумани солиқ хизмати ходимлари ўтказган қисқа муддатли текширувда «Соҳиба» хусусий фирмаси раҳбари А.Матназаров фаолиятидаги молиявий бузилишлар фош этилди. Яъни бу ерда салкам уч миллион сўм савдо пули НКМдан ўтказилмай, қарийб 7,5 миллион сўм эса банкка топширилмай бошқа мақсадларга сарфлаб юборилганлиги аниқланди.

Баликчи тумани Чинобод қишлоғида истиқомат қилувчи Р.Раҳимов яширин ёғ цехи ташкил этиб, энди мўмай пул санашга келганда ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетди. Туман солиқ инспекцияси ходимлари тезкор маълумот асосида унинг хонадонида текширув ўтказиб, мойжувоз дастгоҳини, 80 килограмм ёғсимон суюқлик, 60 килограмм кунжара, 180 килограмм чигит ва 150 килограмм кунгабоқар пистасини далилий ашё сифатида олдилар. Туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими томонидан текширув натижалари ўрганилиб, ушбу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Шаҳрисабз шаҳар Увайсий кўча 17-уй атрофи кечқурунлари шубҳали одамлар билан гавжумлашиб қоларди. Бу ҳолат синчковлик билан кузатилганда хонадон соҳиби Ф.Фозилов уй шароитида ноқонуний равишда вино ва ароқ тайёрлаб сотаётганлиги маълум бўлди. Солиқчилар ўтказган текширув давомида яширин цехдан 37 минг сўмлик спирт, сотишга шай қилиб қўйилган ароқ - винолар, 672 дона ароқ қопқоғи, 621 дона турли хил ёрлиқлар, бир талай сохта акциз маркалар далилий ашё сифатида олинди.

Самарқанд шаҳридаги «KAMEL-NOZ» ишлаб чиқариш тадбиркорлик фирмасида текширув ўтказилганда, раҳбарият ягона солиқдан 8,5 миллион сўм, пенсия жамғармасига 2,7 миллион сўм, йўл фондига 6,7 миллион сўм камайтириб кўрсатганлиги ошкор бўлди.

**Ж.НОСИРОВ,**
**Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати ходими**

## Саволингизга ҳуқуқшунос Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

***САВОЛ: қайси турдаги корхона ва ташкилотлар иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этилган?***

**Т.ҚЎЧҚОРОВ,**
**Тўрткўл тумани**



**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 9-бандига мувофиқ, қуйидаги корхона ва ташкилотлар иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этиладилар:

– ногиронлар жамоат ташкилотларига қарашли ўқув-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш корхоналари;

– протез-ортопедия буюмлари ишлаб чиқаришга, ногиронларга протез қўйиш бўйича хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган корхоналар;

– тарбия ва таълим муассасалари ҳузуридаги ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари ва ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари;

– бюджет таъминотидаги театр-томоша ташкилотлари, иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этилганлар.

